

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOGLIKNI SAQLASH VAZIRLIGI

Рўйхатга олинди:

№ БД - 3.17

2019 йил "15" 04

Соғлиқни сақлаш вазирлиги



**ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА ХАМШИРАЛИК ИШИ  
ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	500 000	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510 000	Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналиши:	5510700	Олий ҳамширалик иши

Тошкент -2019

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил "25" 04 даги "102" - сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил "15" 04 даги "1" - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашида маъқулланган, ОЎМТВнинг 2018 йил "7" 12 даги 1000 -сонли буйруғи билан келишилган.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

#### Тузувчилар:

Туйчиев Л.Н.	ТГА юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
Даминов Т.О.	ТГА юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси профессори, т.ф.д. ФА академиги
Абидов А.Б.	ТГА юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти, т.ф.н.
Ташпулатова Ш.А.	ТГА юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.

#### Такризчилар:

Ибадова Г.А.	ТошВМОИ болалар юқумли касалликлари ва паразитар касалликлар кафедраси мудири, т.ф.д.
Ахмедова М.Д.	ТГА юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси профессори, т.ф.д.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2019 йил "27 03" даги "8" -сонли баённома).

## **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсадларидан бири тиббиётда ҳар томонлама камол топган юксак маънавиятли шахсни тарбиялаб етиштириш, унинг илмий дунёқарашини шакллантиришдир.

Ушбу дастур тиббиёт олий ўқув юртларининг олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш факультетининг талабаларига юқумли касалликларда ҳамширалик иши фанидан таълим бериш учун мўлжалланган. Юқумли касалликларда ҳамширалик иши фанининг дастури асосида ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, бакалавр ҳамшираларнинг назарий билимларидан бошланғич амалий кўникмаларни фантомларда бажаришга ўргатиб ва ўзлаштирган кўникмаларини замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга имкон яратади.

Дастур Ўзбекистон Республикасидаги даволаш-профилактика муассасаларида юқумли касалликларни ташхисот принциплари, шошилиш ҳолатларда тез ёрдам кўрсатиш, даволаш, профилактика, аҳолини эпидемиялардан муҳофаза қилиш тизимида олий маълумотли тиббиёт ҳамшираларининг бошқарувчилик ва касбий фаолиятини шакллантириш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Мазкур фан ўқув режадаги тиббий биология ва генетика, биофизика, тиббий ва биологик кимё, одам анатомияси, физиология, гистология ва иммунология, микробиология ва паразитология, ички касалликлар, аллергология, клиник иммунология, фтизиатрия, клиник фармакология, жаррохлик касалликлари ва шошилиш тез тиббий ёрдам, нейрохирургия фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.

## **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси**

Юқумли касалликларда ҳамширалик иши фанини ўқитишдан **мақсад** - инфекция беморларни эрта босқичда аниқлаш, даволаш, диспансер кузатувни кучайтириш, беморларнинг реабилитацияси ва юқумли касалликларни олдини олиш, беморларни парвариш қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзига доир тушунчаларни шакллантиришдан иборат.

### **Фани вазифаси:**

– республикада ҳудудида ва ташқаридан кириб келаётган катталар ва болаларда учрайдиган юқумли касалликларни анамнез ва клиник лаборатор маълумотларга асосланиб эрта аниқлаш, беморларни тўғри даволаш;

– юқумли касалликларни синдромларига, лаборатор ўзгаришларга асосланган ҳолда қиёсий ташхисотини ўргатиш;

– кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатишни ўргатиш;

– юқумли ва ўта хавfli касалликлар ўчоғида беморлар билан мулоқотда бўлганлар орасида эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказиш асосларини ўқитиш;

– беморларни уй ва шифохона шароитида комплекс даволаш, парваришlash асосларини ўқитиш;

– соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;

– юқумли касалликлар фанини ўқитишдаги педагогик маҳорат асосларини ўқитиш.

Фан бўйича талабаларнинг билим кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади.

### ***Талаба:***

– юқумли касалликлар фанининг ривожланиш тарихини, Ўзбекистонда юқумли касалликлар илмий тадқиқот институти фаолияти ва истиқболлари, олий маълумотли ҳамширанинг турли юқумли касалликларни олдини олишдаги вазифаларини;

– инфекталогиянинг асосий тамойилларини; юқумли касалликларнинг асосий нозологик турларини;

– юқумли касалликларнинг профилактикаси ва эрта диагностикасини; юқумли касалликларнинг замонавий даволаш усуллари ва улардан келиб чиқадиган асоратларини;

– юқумли касалликларда келиб чиқадиган асосий ўзгаришларни организм ҳолатини объектив баҳолаган ҳолда англаш; соғлигини тиклай олмайдиган беморларга паллиатив ёрдам кўрсатиш;

– юқумли касалликларга чалинган беморлар билан ишлашда деонтологиянинг асосий тамойиллари тўғрисида ***тасаввурга эга бўлиши***;

– юқумли касалликларни этиологияси ва эпидемиологияси;

– юқумли касалликларни патогенези ва патологик анатомияси;

– юқумли касалликларга хос клиник белгилар;

– юқумли касалликларни ҳозирги даврда клиник кечиш хусусиятлари;

– юқумли касалликларни бошланғич даврида юзага келиши мумкин бўлган шошилиш ҳолатлар;

– юқумли касалликларга эрта ташҳис қўйиш, таққослаш, лаборатор ва инструментал ташҳис қўйиш;

– юқумли касалликларни даволаш тамойиллари;

– реконвалесцентларни касалхонадан чиқариш ва диспансер назорат қоидалари;

– жамоада, оилада ва касалхонада инфекция тарқалишининг олдини олиш чора тадбирлари;

– соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;

– бирламчи инфекция ўчоғи аниқланганда умумий амалиёт шифокори тактикаси ҳақида ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;

– сариклик белгиси билан кечувчи касалликларда сийдикда ўт пигментини аниқлаш (Розин синамаси);

– бемордан гемокультурага қон олиш (ТПК мисолида);

– ўткир ичак касалликлари (сальмонеллез ва ичбуруғ)да бактериологик текшириш учун нажас олиш;

– кўкйўтал касаллигида бемордан бактериологик текшириш учун “йўтал пластинка” усулида намуна олиш;

–безгак касаллигида гемопаразитни аниқлаш мақсадида йўғон томчи тайёрлаш;

–безгак касаллигида гемопаразитни аниқлаш мақсадида суртма тайёрлаш;

–энтеробиоз касаллигида гижжа тухумларини аниқлаш учун перианал соҳадан суртма тайёрлаш;

–хайвонлар ва кемирувчилар тишлаганда жароҳатларни тозалаш;

–уй шароитида беморларда орал регидратация ўтказиш *амалий кўникмаларига (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.*

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

#### **1-мавзу. Мутахассисликка кириш. Фекал-орал ва парентерал йўл билан юқувчи вирусли гепатитларда ҳамширалик иши**

Мутахассисликка кириш. Республикада инфекцион хизмат. Ҳисобот хужжатлари. Юқумли касалликлар умумий патологияси тўғрисидаги билим. Юқумли хизматнинг тузилиши, юқумли касалликлар таснифи, юқумли жараён даврлари, этиологияси, эпидемиологияси, юқумли касалликларнинг асосий клиник синдромлари, юқумли касалликларнинг диагностикаси, даволаш ва профилактикасининг умумий принциплари. Юқумли касалхонада лабораторияларни жойлашиши ва тартиби.

Фекал-орал (А, Е) ва парентерал (В, С, Д) йўл билан юқувчи вирусли гепатитларда ҳамширалик иши. Вирусли гепатитлар этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, клиник таснифи, лаборатор диагностикаси, беморларни парваришлаш қоидалари. Касалликнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика чора-тадбирлари, аҳоли орасида касалликни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

#### **2-мавзу. Қорин тифи, паратифлар А ва Б ҳамда сальмонеллёларда ҳамширалик иши**

Қорин тифи, паратифлар А ва Б ҳамда сальмонеллёларда ҳамширалик иши. Иситма эгрилиги турлари. Ётоқ режими ва диетотерапиянинг аҳамияти. Беморларни парваришлаш қоидалари. Профилактик чора-тадбирлари.

#### **3-мавзу. Грипп ва бошқа ўРК да ҳамширалик иши**

Грипп ва бошқа ўРК да (парагрипп, аденовирус инфекция, риновирус инфекция, риносинцитиал инфекция) ҳамширалик иши. Лаборатор диагностикаси. Диетотерапия ва ётоқ тартибининг аҳамияти. Беморларни парваришлаш. Профилактик чора-тадбирлари. Госпитализацияга кўрсатмалар. Уйда даволаш.

#### **4-мавзу. ОИВ-инфекциясида ҳамширалик иши**

Этиология, эпидемиологияси, клиника, оппортунистик инфекциялар. Лаборатор диагностикаси. Беморларни парваришлаш. Ретровирусга қарши

давога содиқлик. Профилактик чора-тадбирлари. Госпитализацияга кўрсатмалар. Уйда парваришlash. Поллиатив ёрдам.

### **5-мавзу. Қизамиқ, қизилча, скарлатина, сувчечакда ҳамширалик иши**

Қизамиқ, қизилча, скарлатина, сувчечакда ҳамширалик иши. Лаборатор диагностикаси. Диетотерапия ва ётоқ тартибининг аҳамияти. Беморларни парваришlash. Профилактик чора-тадбирлари. Эмлаш тартиби. Госпитализацияга кўрсатмалар.

### **IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Фан бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза ва амалий машғулот) ва 50% амалий қисм (ўқув клиник амалиёт)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади. Амалий машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Мутахассисликка кириш. Юқумли касалликлар умумий патологиясини ўргатиш. Вирусли гепатитларда ҳамширалик иши.
2. Қорин тифи, паратиф ва бруцеллёз касалликларида ҳамширалик иши.
3. Вабо, сальмонеллёзда ҳамширалик иши.
4. ОТИ. Ботулизм, шигеллёзларда ҳамширалик иши.
5. Менингококк инфекциясида ҳамширалик иши.
6. Грипп. ЎРВИда ҳамширалик иши.
7. ОИВ-инфекциясида ҳамширалик иши.
8. Қизамиқ, қизилча, скарлатина ва сувчечакларда ҳамширалик иши.
9. Эпидемик паротит, инфекцион моноклеозда ҳамширалик иши.
10. Кўкйўтал, Дифтерия-Бўғмада ҳамширалик иши.
11. Ўта хавfli инфекцияларда (ўлат, куйдирги, Ўзбекистон геморрагик иситмаси) ҳамширалик иши.
12. Ўзбекистонда кўп учрайдиган гельминтозларда (энтеробиоз, аскаридоз, геминолипидоз, тениоз, тениаринхоз, дифилобатриоз) ҳамширалик иши.

Амалий машғулот давомида аниқ бир мавзуларни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш, услубий жиҳатдан долзарб бўлган мавзуларни чуқур таҳлил қилиш, алоҳида муоммолар бўйича илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш мақсадида савол-жавоб, суҳбат, доклад ва рефератларни муҳокама қилиш, ёзма назорат ишларини олиш, вазиятли масалаларни муҳокама қилиш ва тест саволларига жавоб бериш орқали эгалланилади. Шу билан бирга машғулот давомида интерфаол усуллардан ва компьютер, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда назарий билимларни мустаҳкамлаш лозим.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни

- чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
  - Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш.

Юқумли касалликларда ҳамширалик иши фани бўйича клиник амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

**Амалий кўникмалар рўйхати:**

1. Сариклик белгиси билан кечувчи касалликларда сийдикда ўт пигментини аниқлаш (Розин синамаси).
2. Бемордан гемокультурага қон олиш (ТПК мисолида).
3. Ўткир ичак касалликлари (сальмонеллез ва ичбуруғ)да бактериологик текшириш учун нажас олиш.
4. Кўкйўтал касаллигида бемордан бактериологик текшириш учун “йўтал пластинка” усулида намуна олиш.
5. Безгак касаллигида гемопаразитни аниқлаш мақсадида йўғон томчи тайёрлаш.
6. Безгак касаллигида гемопаразитни аниқлаш мақсадида суртма тайёрлаш.
7. Энтеробиоз касаллигида гижжа тухумларини аниқлаш учун перианал соҳадан суртма тайёрлаш.
8. Ҳайвонлар ва кемирувчилар тишлаганда жароҳатларни тозалаш.
9. Уй шароитида беморларда орал регидратация ўтказиш.

**Ўқув клиник амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар орқали янада бойтадилар. Мавзуга мос келадиган бўлимларда беморлар билан иш олиб борадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва бошқалар тавсия этилади.

Талабаларнинг “Юқумли касалликларда ҳамширалик иши” фани бўйича клиник амалиёти таълим жараёнининг 50% ини ташкил қилади ва амалий машғулотлар юқумли касалликлар шифохонасида ва оилавий поликлиниканинг инфекционист хонасида ўтказилади.

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб анжомлар ишлаш

механизми, ишлатиш қоидалари билан талабар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намоиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни кадамма кадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намоиш этилади, алгоритм асосида босқичма босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенларда, талабалар ўзаро бир-бирида кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларини алоҳида, кегин умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг беморда қўллашга руҳсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар кадамма кадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенлар, имитаторлар, асбоб анжомлар бўлиши лозим ва керакли шарт шароитлар (максимал даражада иш шароитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намоиш этилиши, критик муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладиги, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирилганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма афтоматизм дарсигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли ҳил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилиш ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалар ва тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, ўргатувчи касаллик тарихлари ва амбулатор карталар ва ҳ.к. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладиги, бунда бошқа талабалар нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирилганлигини баҳолашда балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – ҳулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли ҳил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўлла олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.



Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талаба бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, касаллик тарихини ёзиб ҳимоя қилганда баҳоланади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда фанни ўзлаштирган ҳисобланади.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

## **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Вакцинопрофилактика. Профилактик эмлашлар календари. Зардоблар. Даволовчи зардобларни юбориш қоидалари. Фагопрофилактика. Эмлаш асоратлари ва уларнинг олдини олиш. Антиген ва антитаначалар вазифаси ва турлари.
2. Безгак Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, касаллик оқибатлари, лаборатор ташҳисоти, даволаш, профилактикаси.
3. Вирусли диареялар Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, касаллик оқибатлари, лаборатор ташҳисоти, даволаш, профилактикаси.
4. Амёбиаз. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, касаллик оқибатлари, лаборатор ташҳисоти, даволаш, профилактикаси.
5. Цитомегаловирусли инфекциялар. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, касаллик оқибатлари, лаборатор ташҳисоти, даволаш. Ҳомиладорларда ЦМВ инфекциясининг кечиши.
6. Парранда гриппи. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, касаллик оқибатлари, лаборатор ташҳисоти, даволаш, профилактикаси.
7. TORCH-инфекцияси. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, касаллик оқибатлари, лаборатор ташҳисоти, даволаш, профилактикаси.
8. Полиомиелит. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, касаллик оқибатлари, лаборатор ташҳисоти, даволаш. Вакцинация. Профилактикаси.
9. Жароҳат инфекциялари (кутуриш, қоқшол). Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, касаллик оқибатлари, лаборатор ташҳисоти, даволаш, профилактикаси.
10. Стрептококк инфекцияси (сарамас, ангиналар). Кўзгатувчининг хусусиятлари. Инфекция манбаи. Юқиш механизми. Патогенези. Клиник

хусусиятлари. Лаборатор ташҳисоти. Пархез ва ётоқ тартибининг аҳамияти. Беморларни парваришлаш. Профилактикаси.

11. Геморрагик иситмалар (БСГИ, Омск, Сарик).

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- Аудитория машғулотларидан ташқари тренажер, муляж ва симуляцион залларида/марказларида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш

- Тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

- беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;

- аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;

- Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- Берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;

- Фаннинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;

- Вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;

- Кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;

- График органайзерларни ишлаб чиқиш ва тўлдириш;

- Кроссвордлар тузиш ва ечиш;

- Презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

### ***Фан бўйича курс иши (лойиҳаси)***

Фан бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутилмаган.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. Ахмедова М.Д., Облакулов А.А., Мирзажонова Д.Б. Юқумли касалликларда ҳамширалик иши. Дарслик. –Тошкент. Абу Али ибн Сино. 2018 й.

2. Даминов Т.А. Инфекционные болезни с детскими инфекциями. Учебник в 2-х частях. – Ташкент. Тиб-китоб. 2011 й.

3. Зокирходжаев А.Х. Руководство по инфекционным болезням для студентов мед.вузов. Учебник. –Ташкент. Абу Али ибн Сино. 2010 г.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Шувалова Е.П., Белозеров Е.С., Т.В.Беллева, Е.И.Змушко. Инфекционные болезни. Учебник. – Санкт-Петербург. Спецлит. 2016 г.
2. Шувалова Е.П., Е.С.Белозеров и др. Инфекционные болезни. Учебник. - Санкт-Петербург. Спецлит. 2015 г.
3. Ющук Н.Д., Ю.В. Мартынов, Е.В. Куттевич, Ю.Ю.Гришина. Эпидемиология инфекционных болезней. Учебник. - Москва. ГЭОТАР – Медиа. 2014 г.
4. Лучшева В.И., С.Н. Жарова, В.В.Никифорова. Атлас инфекционных болезней.- Москва. ГЭОТАР – Медиа. 2009 г.
5. Покровский В.И. Инфекционные болезни и Эпидемиология. Учебник. -Москва ГЭОТАР-Медиа. 2008 г.
6. Рахматов О. В. Bolalar yuqumli kasalliklari. Darslik. – Toshkent. “Cho’lpon” tibbiyot nashriyoti. 2008 y.
7. Ющук Н.Д., Венгеров Ю.Я. Инфекционные болезни. Учебник. – Москва. Медицина. 2003 г.
8. Самарина В.Н., Сорокина О.А. Детские инфекционные болезни. Учебник. - Санкт-Петербург. Невский Диалог. 2001 г.

### **Интернет сайтлари:**

- 1.[www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz)
- 2.[www.tma.uz](http://www.tma.uz)
- 3.[www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)
- 4.[www.Ziyonet](http://www.Ziyonet)
- 5.[www.medlincs.ru](http://www.medlincs.ru)
- 6.[www.infeksya.uz](http://www.infeksya.uz)